

ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРИНИНГ АҲЛОҚ ТУЗАТИШ ИШЛАРИГА ҲУКМ ЭТИЛГАН МАҲҚУМЛАР БИЛАН ИШЛАШ ФАОЛИЯТИ

Ваҳобов Диёрбек Ҳамид ўғли

Аннотация: Ушбу мақола профилактика инспекторлари ва пробацция гуруҳларининг ахлоқ тузатиш ишларига ҳукм этилган маҳқумлар билан ишлаш фаолияти тушунчаси, ўзига хос хусусиятлари, ташкилий-ҳуқуқий асослари, ахлоқ тузатиш ишларига ҳукм этилган маҳқумлар билан ишлаш фаолиятининг аҳамияти ва асосий тушунчалари ахлоқ тузатиш ишларига ҳукм этилган маҳқумларга нисбатан расмийлаштириладиган профилактик ҳисоб йиғма жилдлари профилактик суҳбат варақалари, ахлоқ тузатиш ишларига ҳукм этилган маҳқумлар билан ишлаш фаолиятини ташкил этишда илғор ҳорижий тажрибалардан фойдаланиш ва ушбу мақолада профилактика инспекторлари билан пробацция гуруҳи ҳамкорликда амалга ошириладиган ишлар бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: профилактик ҳисоб, маъмурий назорат, ахлоқ тузатиш ишлари, илгари судланган шахс, ижтимоий хавфли қилмиш, жазо тайинлаш.

Кириш

Бизга маълумки, мустақилликка эришгач ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, маъданий ва бошқа соҳаларда кенг қамровли ислоҳотлар тизимли, босқичма-босқич амалга оширилди. Мазкур ислоҳотлар натижасида жамиятда ахлоқ тузатиш ишларига ҳукм этилган маҳқумлар билан ишлаш учун алоҳида пробацция гуруҳи ташкил этилди. Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси хизматининг ҳуқуқбузарликлар ва жиноятларни олдини олишдаги фаолияти замон талаблари даражасига жавоб берадиган даражада шакиллантирилди. Вояга етмаганларга жазо тайинлаш пайтида ЖК 54-моддасида назарда тутилган ҳолатлардан ташқари, ҳар бир муайян ҳолда, шунингдек унинг ривожланиш даражаси, турмуш шароити ва тарбияси, соғлиғи, жумладан, руҳий ривожланиш даражаси, жиноятни содир этиш мотивлари, катта ёшдаги шахсларнинг унинг хулқ-атворида салбий таъсири ҳақидаги маълумотлар, шахсига таъсир қилувчи бошқа ҳолатлар аниқланиши ва баҳоланиши лозим. Ўн саккиз ёшга тўлгунга қадар жиноят содир этган шахс иш судда кўрилаётган вақтда вояга етган бўлса ҳам, унга нисбатан тайинланаётган жазо муддати ёки миқдори ЖК 82—85-моддаларида белгиланган максимал муддат ва миқдорлардан ошиши мумкин эмас.

Асосий қисим

Айрим давлатларда маъмурий ҳудудларда жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлаш шунингдек жазоларни ижро этиш фаолияти турлича йўллар, усуллар билан таъминланади. Ушбу соҳада ҳар бир давлат ўзига хос тажрибага эга бўлиб, уларни ўрганиш ҳамда юртимиз жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлаш, жазоларни ижро этиш тизимига татбиқ этиш бугуннинг долзарб талабларидан биридир. Маъмурий ҳудудларда жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлаш борасида хорижий давлатлар тўплаган тажрибани ўрганиш бу масалага тизимли ёндашувни талаб қилади. Шу сабабли, кўзланган мақсадга эришиш учун қуйидагича ёндашиш мақсадга мувофиқ деб ўйлаймиз: Хорижий давлатлар жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлаш тизими, жазоларни ижро этиш фаолияти ўз кўринишига эга. Ҳар бир давлатнинг жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлаш тизими бошқа мамлакатларникидан муайян хусусияти билан ажралиб туради. Электрон мониторинг бўйича жаҳон тажрибасининг бошланиши йигирманчи асрнинг сўнгги чорагига бориб тақалади.

Бу борада ўзига хос тажриба Россия Федерациясида тўпланган. Мамлакат Конституциясининг 72-моддасига мувофиқ, қонунийлик, ҳуқуқ тартибот, жамоат хавфсизлигини таъминлаш, шунингдек жиноятларнинг олдини олиш Россия Федерацияси ва субъектларининг биргаликдаги бошқарувида амалга оширилади. Ижроия ҳокимиятига раҳбарликни амалга ошириш асосида Президент ва ҳукумат қонунийлик, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, мулкчилик ва жамоат тартибини кўриқлаш бўйича ташкилий-бошқарув чора-тадбирларини амалга оширади, шунингдек жиноий-ҳуқуқий сиёсатнинг асосий йўналишлари, ресурсларини белгилайди. Россия Федерациясида ички ишлар органлари тизими милициядан полицияга ўзгартирилгандан кейин мамлакатда тартибни сақлаш таянч пунктлари “полиция участка пунктлари” сифатида номлана бошлади.

М.Усмоналиевнинг қайд этишича, ЖКнинг 46-моддасида “ахлоқ тузатиш ишлари” номи билан асосий жазо сифатида кўрсатилган ахлоқ тузатиш ишлари шахсининг иш ҳақининг ўн фоиздан ўттиз фоизигача миқдорини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда уни меҳнатга мажбуран жалб қилишдан иборатдир. Суд шахсга жазо тайинлаётганда жазо тайинлаш қоидаларига амал қилади. Жиноят кодекси Умумий қисмининг 11-боби “Жазо тайинлаш” деб номланиб, унда жазо тайинлаш учун умумий асослар ҳамда жазо тайинлашнинг қоидалари белгиланган. Шуни унутмаслик лозимки, жазо тайинлаш қилмиш квалификатсия қилинган модда бўйича ва шу моддада назарда тутилган санксия доирасида Умумий қисм қоидаларига кўра амалга оширилади.

Жазо тайинлашнинг умумий асослари. Жиноят кодекси 54-моддасининг 1-қисмида жиноят содир этишда қонунда белгиланган тартибда айбли деб топилган шахс жазога тортилиши белгиланган. Жазо тайинлаш – жиноят иши бўйича одил судловни амалга оширишнинг ҳал қилувчи жиҳатидир. Жазо тайинлаш фақат судга тегишли бўлган ваколат ҳисобланади.

Хулоса

Бугунги кунда мамлакатимизда Президентимиз Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида амалга оширилаётган туб ислохотлар, жамиятимизнинг барча соҳаларини замон талабларидан келиб чиқиб янгилашга йўналтирилган.

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги ва Жиноят процессуал кодекс талабларига кўра бир қатор ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ҳам ҳуқуқбузарликлар (маъмурий ҳуқуқбузарлик ёки жиноят)га оид ишлар юритувини амалга ошириш ваколатига, шунингдек ишни кўриб чиқаётган мансабдор шахс сифатида ҳуқуқбузарлик сабаб ва шароитларини аниқлаб, уларни бартараф этиш юзасидан тегишли жойларга тақдимномалар киритади. Аммо Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 196-моддасида “ҳуқуқбузарлик сабаблари ва шартшароитларини бартараф этиш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси ва ички ишлар органларининг ёзма тақдимномаларини бажариш чораларини кўрмаганлик учун жавобгарлик” назарда тутилган. Бу эса, Миллий гвардияси ва ички ишлар органларидан бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг ёзма тақдимномаси талаблари бажарилмаганлиги ёки лозим даражада бажарилмаганлиги учун жавобгарликка тортишни истисно этади.

Маълумки, озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазоларнинг назорати Пробация хизмати томонидан амалга оширилади. Шу билан биргаликда профилактика инспекторлари ушбу жазоларнинг назоратида Пробация ходимларига кўмаклашиши белгиланган бўлиб, уларнинг ҳамкорлигининг аниқ йўналишлари белгиланмаган.

Жамиятимизда амалга оширилаётган ислохотлар ва янгиланишлар негизида Пробация хизмати ходимлари орасида миллий кадриятларимиз ва менталитетимизни ҳисобга олиб аёл ходимлар учун штат бирликларини ташкил этиш мақсадга мувофиқ бўлади. Бу эса жазо ижросидан кўзланган мақсадга эришишга йўл очади.

Хулоса қилиб айтганда, Президентимиз Шавкат Мирзиёев такидлаганларидек, “Халқ давлат идораларига эмас балки давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак” деган сўзлари ва ғоялари фаолиятимиз мезонига айланмоғи керак. Мазкур вазифани астойдил бажариш, шунингдек Ватанимизнинг тараққиётини тامينлаш, уни кўз қорачиғидек асрашга барчамиз бирдек маслумиз.